



## THE IMPORTANCE OF THE INSTITUTION OF MEDIATION IN THE CONDUCT OF EXECUTIVE WORK

**Khasan Murotovich Kabirdjanov**

*Master's student*

*Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** executive proceedings, state bailiff, mediation, alimony.

**Received:** 21. 06. 24

**Accepted:** 23. 06. 24

**Published:** 25. 06. 24

**Abstract:** This article analyzes the current situation of using the institution of mediation in ensuring the execution of court documents with statistical examples, and offers the advantages of using this institution more widely.

## ИЖРО ИШИ ЙОРИТУВИДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Хасан Муротович Кабирджанов**

*Магистратура тингловчиси*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижро иши юритуви, давлат ижрочиси, медиация, алимент.

**Аннотация:** Мазкур мақолада суд хужжатларининг ижросини таъминлашда медиация институтини қўллашнинг бугунги кундаги аҳволи стистик мисоллар билан таҳлил қилиниб, ушбу институтни янада кенг қўллаш афзалликлари таклифи берилган.

## ЗНАЧЕНИЕ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ ПРИ ВЕДЕНИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

**Хасан Муротович Кабирджанов**

*студент магистратуры*

*Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** исполнительное производство, государственный судебный пристав, медиация, алименты.

**Аннотация:** В данной статье на статистических примерах анализируется современная ситуация с использованием

института медиации в обеспечении исполнения судебных документов, а также предлагаются преимущества более широкого использования этого института.

## КИРИШ

Ўзаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш қадимдан миллий қадриятларимизнинг асосий тамойилларидан бири сифатида келган бўлиб, ушбу муносабатларнинг ҳукукий механизми 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши билан расман яратилиб, ушбу қоуннинг амал қилиш соҳалари қаторига оилавий ҳукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳам киритилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг 33 – моддасида ҳам низони ҳал этишнинг муқобил воситалари, яъни медиация (воситачилик)ка алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Европа Парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 21 майдаги ЕИ 2008 (52) директиваси ҳам тўхталиб ўтади ва тарафларнинг ташаббуси билан низони ҳал қилишга устуворлик нуқтаи назаридан қарайди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 марта “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4236-сонли қарори билан 2019 йилнинг 1 апрелидан эътиборан ижро иши юритувига қонунчиликдаги яна бир янги соҳа бўлган медиация институти татбиқ этилди.

Қарорга мувофиқ, ижро иши юритиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланиши, томонлар ўртасида ижро предметига доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш муддатининг тугаши ижро иши юритишни қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланиши, медиация тартиб-таомилини тақроран амалга оширишга йўл қўйилмаслиги, томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда, давлат ижро иши юритишни тугатиши, бу жараёнга давлат ижро иши ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланиши белгилаб қўйилди.

**Медиация** (лотинча *mediare* воситачилик қилиш) – *бу ўзаро мақбул ечимга эришиши учун низоларни ихтиёрий розилик асосида медиатор ёрдамида ҳал қилиши усулидир.*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган Медиация тўғрисидаги ЎРҚ-482-сонли Конунида эса медиацияга қуйидагича таъриф берилади.

**Медиация — келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиши усули.**

**Медиатив келишув — медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув.**

**Медиатор — медиацияни амалга ошириши учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс.**

Ушбу Конунига мувофиқ, медиация суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш жараённида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилади.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Аксарият юридик адабиётларда низоли масалалар (муаммолар)ни ҳал қилишда тарафларни муросага келтириш (яраштирув) натижалари келишув битими, медиатив келишув, даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши каби процессуал ҳаракатларда кўринади. Масала (муаммо) нинг бундай х.ал I<ИЛИНИШИ суд I<арори (ажрими) ижросини таъминлатда деярли 1<ийинчилик тутдирмайди, ижрони мажбурий таъминлаш чораларини 1<уллашга х.ожат 1<олмайди.

Оилавий медиация биринчи марта 1960 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошларида АҚШда пайдо бўлган ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларида ривожланган. Ушбу амалиёт соҳаси ўз ичига никоҳдан ажрашиш ва эр-хотиннинг никоҳдан ажрашиш давомида юзага келган низолари, оиладаги авлодалараро низолар, мерос бўйича низолар, ижтимоий таъминот органлари билан боғлиқ оилавий низолар, асраб олинган болаларни қабул қилиш ва мослаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда бошқа низоларни қамраб олади.

Болалар табиатан ғамхўрлик ва ҳимояга мухтоҷ, деб ҳисобланадилар. Улар кўпинча ажралиш қурбонлари деб аталади. Бугунги кунда болалар нафақат эҳтиёжларга, балки ҳуқуқларга ҳам эга эканлиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Агар биз болаларни нафақат ғамхўрлик ва ҳимояга мухтоҷ, балки муайян ҳуқуқларга эга шахс деб ҳисобласак, биз уларнинг тақдирни ҳақида қарор қабул қилишга бошқача ёндашамиз, муайян қарор қабул қилишда уларнинг зиммаларига масъулиятни юкламай, улар билан маслаҳатлашиш, уларнинг фикрини тинглаш ва уларга ечим излаш кераклиги ҳақида ўйлай бошлаймиз. Боланинг ҳоҳиш истаклари ва ҳис туйғуларини инобатга олинишини таъминлаш ҳукуки БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда қабул қилинган БМТнинг Бола ҳукуклари

тўғрисидаги Конвенсиясининг 12-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу моддада кўрсатилишича, болага тегишли тартиб қоидаларни бажариш билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда унинг ёши ва етуклик даражасини инобатга олган ҳолда, унинг фикрлари тегишли тартибда инобатга олиниши керак.

Бироқ, ижро ишини юритишда медиация институтини ышллаш амалиёти бугунги кунга қадар кутилган натижани бермади десак муболага бўлмайди. Чунки, Бюордан олинган статистик маълумотларга кўра, 2019-2021 йиллар давомида ушбу институт ижро ишини юритишда бирор марта қўлланмаган бўлса, сўнгги икки йил давомида атиги 42 та 57,8 млрд. сўмлик (2022 йилда 9 та, 2023 йилда 33 та) ижро ишлари медиатив келишув асосида тамомланган ҳолос.

Ваҳоланки, бугунги кунда ижро ишини юритишда айнан ушбу институтда қўллаш мумкин бўлган бир қатор ижро ишлари, жумладан алимент ва бир неча турдаги номулкий тусдаги ижро хужжатлари мавжуд.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда гарчи бирор бир қонун ёки қонун-ости хужжатлари билан зиммасига вазифа сифатида юқлатилмаган бўлсада алимент ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари бўйича тарафлар давлат ижро чилари томонидан яратирилиб келинмоқда.

Фикримизни қўйидаги рақамлар ҳам яққол исботлаши мумкин. Хусусан, Бюронинг статистик маълумотларига кўра, сўнгти уч йил давомида Бюронинг иш юритувида бўлган алимент ундириш хақидаги ижро хужжатлари бўйича 122 822 (2021 йилда 23 313, 2022 йилда 54 028, 2023 йилда 45 481) та оиласлар давлат ижро чилари томонидан яратирилгани қайд этилган.

Ушбу функцияning давлат ижро чилари томонидан эмас, балки профессионал медиаторлар томонидан амалга оширилиши давлат ижро чилари бошқа турдаги ижро хужжатларининг талабини бажаришлари ва жами ундирувлар самарадорлигини янада оширишга кўпроқ вақт ажратишларига имкон яратган бўлар эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Отахонов Ф. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти. Электрон манба : <https://lpri.uz/>

2. Семенова И.Ю. Особенности медиации в семейных отношениях. / «Экономика и права» №3/ 2018. – Б 66. Электрон манба <https://cyberleninka.ru/article/n/>

3. <http://lex.uz/uz/docs/3805227>. Кириш санаси 19.06.2024 й.

4. Лукьянчикова Е.Ф., Верещагина Е.А. Применение процедуры медиации в исполнительном производстве/ Международный научный журнал «Инновационная

наука", 2016 №2. /Эларонный ресурс/; Медиация в исполнительного производства или на вооружении новые методы работы. Электронный ресурс/, Федеральная служба судебных приставов России. /Офиц. сайт/; Федоров П. Р., Бобылева А. П. Медиация в сфере исполнительного производства [Текст] Право: современные тенденции: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). - Краснодар: Новация, 2017. - С. J 28-131. - URL <https://moluch.ru/confLaw/archive/225/11769/>.

5. Гордийчук Н.В. Особенности семейной медиации при разводах. / «Психология и психотерапия семьи» №2 / - М.: 2017. – Б 13. Электрон манба: <http://familypsychology.ru>.

6. Паркинсон Л. Семейная медиация. – М.: 2010. – Б 230.

7. А.О.Хамидов. Суд қарорлари ижросини тъминлашнинг ташкилий-хукуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Т.:2024 Б.186.

8. А.О.Хамидов. Суд қарорлари ижросини тъминлашнинг ташкилий-хукуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Т.:2024 Б.185.